

**БУЛБУЛҚОРИ**

**ТАНЛАНГАН ШЕЪРЛАР**



«Фарғона» нашриёти - 2005

84(59)6-5 Бадиши 2420кет-  
Шеърлар



Ю 31920  
0

**Булбулқори (Исмоил Нормирза ўгли) 1888-1964 й.**

*Булбулқори.*

*Танланган шеърлар.*

*«Фарғона» нашриёти, 2005, 32 бет.*

2006  
А 1556

© Ҳ. Исмоилов, «Фарғона» нашриёти

## БУЛБУЛҚОРИ ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

XX аср Наманган адабий муҳитида ўзига хос ўрин тутган ижодкорлардан бири Булбулқоридир.

Булбулқори (Исмоил Нормирза ўғли) 1888 йилда Наманган шаҳрининг Исоқчўян гузарида камбағал оилада дунёга келди. Икки ёшида онадан етим қолган Исмоил бир йил ўтгач чечак касалига чалинди ва кўзи ожиз бўлиб қолди, ўғай она қўлида тарбияланди. Ўн саккиз ёшида отаси ҳам вафот этгач, Наманган улаمولари тарбиясида бўлди. Бошланғич диний маълумот олиш давридаёқ тенгдошларига домлалар берган сабоқни фавқулодда осон ва тез ёдлаб олиш лаёқати намоён бўлган Исмоил болалигиданоқ устози Гафурқори домла таърифлаганидек, “Булбулқори” сифатида шуҳрат топди.

1918 йилда Наманганда совет ҳокимиятини ўрнатиш учун жанг-жадаллар кетаётган, бегуноҳ одамлар қурбон бўлаётган бир пайтда Булбулқори шаҳардан кетади. Учқўрғоннинг Қайқи қишлоғида (айрим манбаларда Ўш тилга олинади) кўним топади, шу ерда уйланади. Орадан 5-6 йил ўтгач Учқўрғонга кўчиб келиб яшай бошлайди. 1940 йилдагина она шаҳрига қайтади ва умрининг охиригача (1964) шу ерда яшаб ижод қилади.

Қайқи ва Учқўрғонда яшаган йиллари унинг ижодида муҳим ўрин тутди. Араб ва форс тилларини, Навоий, Жомий, Фузулий, Машраб каби мумтоз адабиёт намояндалари ижодини ўрганиш ўзи мустақил мутолаа қилишдан маҳрум ва лекин ёдлаш қобилияти юксак шоирни бадиий адабиётга, айниқса, Навоий шахси ва ижодига муҳаббатини оширади. Назаримизда, Булбулқори томонидан оғзаки варианты яратилган “Лайли ва Мажнун” дostonи ҳозирги Наманган вилояти ҳудудида мавжуд бўлган 5 та дostonчилик мактабидан бири - Қайқи дostonчилик мактабининг фаол таъсири ҳосиласидир. Бу асар Навоий дostonидан ташқари арабча “Тож-ул қисас” (“Қиссалар тожи”) тўпламидаги биринчи тож - “Лайли ва Мажнун” қиссаси асосида яратилган. Шоир тилидан ёзилган ҳамда Тил ва адабиёт институтида сақланаётган асар қўлёзмасида бу ҳақда алоҳида таъкидланади. 59 саҳифадан иборат мазкур дoston шоирнинг ўз оғзидан “Мансур Абзалов руҳсати билан” Ойпошшахон Султонова томонидан ёзиб олинган.

Ўз асарларини куйлаб, яъни анъанавий маддоҳлик усулида талқин қилиб юриши ҳам шоирни Булбулқори сифатида бутун водийга, кейинчалик эса Ўзбекистонга танитди.

Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институти томонидан 1957 йил 15 февралда И.Нормирзаев (Булбулқори) номига берилган Далолатномада қуйидагилар қайд этилган: “Тил ва адабиёт институти фольклор секторига Халқ ижодчиси сифатида рўйхатга олинган. Бу ўртоқнинг 1948 йилда Навоийга бағишлаб айтган ғазаллари ва совет даврида ижод этган ашуллари ёзиб олинган. Улар Тил ва адабиёт институтининг фольклор архивида (Инв. № 1084-1085) сақланади”.

Бу ҳужжат Исмоил Нормирза ўғли - Булбулқорига “Халқ шоири” унвони берилганми ёки йўқми, деган масала атрофидаги баҳсларга қисман ойдinлик киритади. 1948 йилда Навоийнинг 500 йиллигига қизгин тайёргарлик кетаётган пайтда таниқли санъаткор Сорахоним Эшонтўраева шоирни Тошкентга олиб кетади. Истироҳат боғлари, театрлар ва республика радиосида Булбулқори ўз асарларини куйлайди. У халқ ижодчиси, шоири сифатида ардоқланиб, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. Бу ўринда “Халқ ижодчиси” жумласини ҳукумат томонидан берилган унвон мақомида эмас “Халқ бахшиси”, “Халқ қизиқчиси” сингари нисба деб қабул қилиш тўғрироқ бўларди.

Булбулқори ўз даврининг куйчиси эди. Катта Фаргона канали қурилиши бошланиши биланоқ у иншоот бунёдкорлари сафига кирди, ёниқ сўзи билан уларни руҳлантириб турди. Уруш йилларида кишилар қалбида ғалабанинг муқаррарлигига ишонч уруғларини ундиришга хизмат қилди. 1946 йилда Наманганда юз берган даҳшатли сув тошқинидан жафо чекканларга ёрдам кўлини чўзмоқ ҳамманинг иши эканлигини айтиб бонг урди, хотинларини бозор-ўчарга юбориб, ўзларини панага олганларни, тўқлар учун дастурхон ёзиб, йўқсилларга беписанд бўлган шахсларни танқид қилди.

Бир қарашда замонасоздай туюладиган шеърларнинг кўплигидан келиб чиқиб, қизил империянинг қатағон машинаси даҳшат солиб ишлаб турган даврда ижод қилгани учун Булбулқори шунга мажбур бўлган, дейиш ҳам хатодир. Шоир ана шундай шеърлари билан одамларни Навоийдек буюк

зотлар ижодини ўрганишга, улуғ шоир орзу қилган замонлар келиб, қақроқ ерларга об-ҳаёт етаклаш имкониятларининг очилганидан гурурланишга, умумхалқ ҳашари каби савобли ишлардан четда турмасликка, ҳар қандай шароитда ҳам одам Аллоҳ яратган энг олий жонзот эканлигини ёдда сақлашга, Яратганининг зикрида туришга, куфрони неъмат бўлмасликка, она юртга садоқатда устуворликка интилишга даъват этади.

Шоирнинг “Муҳаммад айдилар...”, “Ерни қаттиқ босмангиз”, “Надомат” каби элда машҳур назмлари одамларни ҳар бир қадамни ўйлаб босишга, дунё ҳою-ҳавасларига берилмасликка, руҳан покланишга чорлайди. Шу боис бўлса керак диний-маърифий руҳдаги шеърларини эл суйган санъаткорлар Расулқори Мамадалиев, Муҳаммаджон Дўстмуҳаммедов, Абдурахмон Каримов ва бошқалар узоқ йиллар давомида ижро этиб келдилар. Бу эзгу ишни бугун Рустамжон Нўъмонов, Носир Алимахсумов ва бошқалар давом этдиришмоқда.

Булбулқори ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича қўйилган биринчи қадам ҳисобланмиш ушбу китобчага муаллифнинг ўғли Хусанхон Исмоилов қўлида сақланаётган назмлардан намуналар, “Лайли ва Мажнун” достонидан парчалар киритилди. Булбулқори шогирдлари, мухлислари томонидан ёзиб олинган, турли йилларда хонандалар қўшиқ қилиб куйлаган ва ҳозирда бир қўлга жамланмаган шеърларни тўплаш, “Лайли ва Мажнун” достонини танқидий-таҳлилий тадқиқ этиш ва нашр қилиш келажакнинг ишидир.

Муқаддас Ҳадиси Шарифда таъкидланишича, кимки кўзи ожиз бўлсаю бундан шикоят этмай шукр қилса, жаннат эшиклари унга катта очиқ экан. 120 ёшлари нишонланишига ҳозирлик бошланаётган шоиримиз Булбулқори ана шундай шокир ва собир инсон, хассос ижодкор эдилар. Валлоҳи аълам. Илоҳи, руҳлари шукр этмоқ, сабр қилмоқ ва бошқа солиҳ амаллари боис юксак марҳаматга етишган бўлсин!

Абдулла ЖАББОР.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

## НАВОИЙ

(Мурабба)

Гурбатда умри ўтди Навоий,  
Кўплар машаққат тортди Навоий,  
Сабру таҳаммул этди Навоий,  
Мақсадга охир етди Навоий.

Шоирлар ичра монанди булбул,  
Ошиқ кўлида бир дастаи гул,  
Ҳар сўзларидур оламга мақбул,  
Кўп яхши шеърлар битди Навоий.

Ул «Лайли-Мажнун» сўзини ёзиб,  
«Фарҳоду Ширин» достонин айтиб,  
Золим сипоҳлар жабрини тортиб,  
Ушбу жаҳондан ўтди Навоий.

Золим элини кўзига илмай,  
Дунёнинг қадрин бир хасча билмай,  
Бойқаро билан ўтди севинмай,  
Ҳасратда умри ўтди Навоий.

Уйланмай ўтди ёруғ жаҳондан,  
Кечган эдилар ҳам хонумондан,  
Безган эдилар, султонун хондан,  
Зулматда умри ўтди Навоий.

Ушлаб кўлига доим қаламни,  
Ёзар эди ул ранжу аламни,  
Билмам ким эркан айтиб санамни,  
Ёрим қаён, деб ўтди Навоий.

Ҳар Лайли-Мажнун энди чиқишди,  
Бир-бирларига нома ёзишди,

Қўллар тутишиб жавлон этишди,  
Руҳи муродга етди Навоий.

Фарҳодларингиз тоғларни кесди,  
Болдан сучукроқ сувлар чиқарди,  
Кўп ташна ерлар сероби бўлди,  
Номи Каналдир, билди Навоий.

Қолдирди бизга яхши асарлар,  
Ҳар сўзларидир монанди гавҳар,  
Дўстларга сўзи мисли гуҳарлар,  
Бизга билимли бўлди Навоий.

Навоийга сўз айтган кунимда,  
Бир кеча эрди нисби тунинда,  
Келди Навоий, кўрдим тушимда,  
Кўп илтифотлар қилди Навоий.

Булбул тилидан бир назми қилгин,  
Ҳар ерда ўқиб, сен базми қилгин,  
Дўстлар қошинда доим ўқигил,  
Исмоилим, деб кетди Навоий.

## ҲИКОЯТ

*Ўн уч ёшимда бир ўртоғимни тушимда  
кўриб ёзган шеърим.*

Тилимга келди бир яхши ҳикоят,  
Қилай энди ажиб ширин ривоят,  
Муҳаббат шарҳини айлай баёни,  
Ки андин қолмасун сирри ниҳони.  
Ки бир кун кечаси бир туш кўрибман,  
Ажойиб хавф бирла уйғонибман.  
Кўрибман бир пари янглиғ кишини,  
Кулиб, ул кўрсатди манга тишини.  
Тишининг ҳар бири мисли маржон,

Кўриб мен ҳам анга фидо қилдим жон.  
Дедимки, эй биродар, ким эурсан,  
Бу янглиғ бошимга савдо солурсан?  
Деди: номимни сўрсангиз фалоний,  
Намангон ичра бир маҳбуб жувони.  
Сўраб эрдим, дедики, отим Усмон,  
Менинг кўйимда берди бир нечалар жон.  
Санам энди менинг кўйимга тушдинг,  
Ажойиб сахт ишларга ёпушдинг.  
Тиззамга бош қўй, деб берди фармон,  
Кулиб, минг жилвалар бирла ўшал он,  
Табассум қилди бир сўз гапирди,  
Келурман бир куни, деб ваъда берди.  
Яна айди, биродар, мен сизга ёр,  
Мани домимга бўлдингиз гирифтор,  
Бу дунёи у дунё биргадурмиз,  
Насиб этса, биз жаннатга кирурмиз.  
Бу сўзни айтиб-айтиб хўп суюнди,  
Муҳаббат шавқида ўртанди, куйди.  
Қўлида ушлаган мушки тоторин  
Менга бир искатди, тутди хумори.  
Чўчиб, уйғондиму кетдим ҳушимдан,  
Кейин назм айладим кўрган тушимдан.  
Бу Исмоил сўзини қилди изҳор,  
Ки андин ўзгага ҳеч бўлмади ёр.

## ҚУМРИ

Ман ажаб уйғоқ эдим вақти саҳар,  
Келди сайраб бошима бир жонивор.  
Сўрасам, қумри, деди бўл бохабар,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!

Кўрмадим ул муштипар дилдорни,  
Қўлга олдим дўстлар, сеторни,  
Қодиро, васл айла мандек зорни,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!



Икки қумри сайрар эрди ҳар замон,  
Жонима ўт солур эрди бегумон,  
Билмадим қандоғ ясабдур ломакон,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!

Жўрасин отиб йиқитди, бир беадаб,  
Эри йиғлаб ху, деди, анга қараб,  
Шул замон қилди худо анга ғазаб,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!

Жонидин кечмоқ эрур ошиқ иши,  
Дунёни севмас худо суйган киши,  
Хўп томошо қил, на дер Аллоҳ куши,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!

Дўстлар, қумрига ошиқман ўзим,  
Шул сабабдан йиғлади икки кўзим,  
Ўртади ошиқни ҳар айтган сўзим,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!

Дўстлар, қумри ажаб огоҳдур,  
Ху, деса, ҳар бир сўзи Аллоҳдур,  
Барча қушлар бандаю ул шоҳдур,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!

Барча ошиқларни қумри шоҳидур,  
Амри ҳақдан ҳар саҳар огоҳдур,  
Ўртаниб ҳар кеча-кундуз зордур,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!

Ҳар саҳар йиғлаб худони ёд этар,  
Қумри сўзин англаганлар дод этар,  
Ишқ ўтида ўртаниб фарёд этар,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!

Қори Исмоил, қилма сўзни хўп дароз,  
Куясан ишқ ўти бирлан қишу ёз,  
Эл аро қилма сўзингни сарфароз,  
Қумри сайраб айтадур: Ё дўст, ху! Ё дўст, ху!

## МАРҲАБО

Бир ажойиб дард бошимга тушубдурки бедаво,  
Кўрмайин ўлсам Мадина шаҳрини ман бенаво.  
Қолгуси қалбимда армон, дилда ғам минг оҳ-воҳ,  
Ассалом, саййиди Олам, Сизга юз минг марҳабо,  
Жон фидо айлай сиза ман, Ё Расули Мустафо.

Мисли Одамдек муборак Каъба деб жондин кечиб,  
Маст ўлиб Ҳақ ишқида, шавқу шаробидин ичиб,  
Бу тириклик ўлмайин кетсам кафан тўнин бичиб,  
Ассалом, саййиди Олам, Сизга юз минг марҳабо,  
Жон фидо айлай сиза ман, Ё Расули Мустафо.

Ҳар қадамда таъзим айлаб, Оллоҳ деб Каъба борай,  
Бу гуноҳкор осий бошим остонангизга қўяй,  
Бир гуноҳкор умматингиз келди, деб фарёд этай,  
Ассалом, саййиди Олам, Сизга юз минг марҳабо,  
Жон фидо айлай сиза ман, Ё Расули Мустафо.

Турсангиз туғи муборакни ўшал кунга тикиб,  
Биз каби шармандалар турсак шафоатга боқиб,  
Бир назар солгаймисиз биз осийларга ҳам боқиб,  
Ассалом, саййиди Олам, Сизга юз минг марҳабо,  
Жон фидо айлай сиза ман, Ё Расули Мустафо.

Нурдин тахт узра ўлтурсангиз ўшал кун ё Расул,  
Сиз дуо қилгач ўшал дам Ҳақ ани қилгай қабул,  
Биз гуноҳкор осийларга кўрсатинг жаннатга йўл,  
Ассалом, саййиди Олам, Сизга юз минг марҳабо,  
Жон фидо айлай сиза ман, Ё Расули Мустафо.

Кел, гуноҳкор умматим, деб чорласангиз на бўлур,  
Неча мандек ожизу бечора умматлар борур,  
Қори Исмоил умиди кўп қатори шул эзур,  
Ассалом, саййиди Олам, Сизга юз минг марҳабо,  
Жон фидо айлай сиза ман, Ё Расули Мустафо.

## ЕРНИ ҚАТТИҚ БОСМАНГИЗ

Босмангиз бу ерни қаттиқ, бу ерда инсонлар ётур,  
Авлиёю анбиёлар - Ҳақни топганлар ётур.

Аввало Одам Ато, бош онамиз Момо Ҳаво,  
Ҳақдин тилаб фағфирлано, қон ёш тукканлар ётур.

Неча йил даъват қилиб, қавмин жафосини чекиб,  
Тўфон балосин ўткариб, кўп навҳа қилгонлар ётур.

Макка биносин айлагон, Ҳақнинг ризосин излагон,  
Ўғлини қурбон айлабон дўстликка етгонлар ётур.

Яқубни қавмидан сўранг, тортган жафосидан сўранг,  
Ўғлин жудосидан сўранг, аҳзонда ўтгонлар ётур.

Аюб балоси на экан, жисмини ул қуртлар еган,  
“Инна важаалнаҳу собиран” Ҳақдан эшитгонлар ётур.

Ул Закариё пайгамбари, умматларини раҳбари,  
Аррада кесди бошларин, кулфатда ўтгонлар ётур.

Ўғли ўшал Яҳъё қани, Зилкипри армиё қани,  
Кўп яшаган Лукмон қани, дорию дармонлар ётур.

Мусо тажалли сўради, тангрим, кўролмайсан, деди,  
Бир неча кунлар йиғлади, ҳасратда ўтгонлар ётур.

Аввал бешиқда сўзлаган, авжи самони кўзлаган,  
Маҳдий билан суҳбатлашиб тушган у Исолар ётур.

Ҳақнинг ҳабиби Муртазо, умматни дардига даво,  
Ул шафе “Явмул жазо” меърожга чиққонлар ётур.

Меърожлари ақсо бўлиб, етти самолардан ўтиб,  
Балки қадам Аршга қўйиб, кўп ваъда олгонлар ётур.

Жумла набилар ҳотами, балки аларнинг хотими,  
Умматларини арзини тангрига айтгонлар ётур.

Ул Раҳматаллил оламин пайқар ани Рухил Амин,  
Пайғамбари рўйи замин, Қуръони келгонлар ётур.

Сиддиқи Акбар қолмади, Умар диловар қолмади,  
Усмони Ҳайдар қолмади бу ерда асҳоблар ётур.

Ҳазрати имоми Аъзам, Молик, Шофий Аҳмад, Али,  
Ислом динини раҳбари марди-майдонлар ётур.

Ўлди язитлар қўлида, ул Карбалонинг чўлида,  
Ичмай Фротнинг сувидан кўп ташна ўтгонлар ётур.

Ибни Исмоил Муҳаммад ҳам саҳиҳ бўлди лақаб,  
Неча юз минг Ҳадисни равшан айтгонлар ётур.

Ғавсу замонлар ўтдилар, пири муғонлар ўтдилар,  
Суҳбатга конлар ўтдилар, Ҳақ ёдин айтгонлар ётур.

Ўз вақтини автодлари, Чилтан билан суҳбатлари,  
Шаҳри Намангон шайхлари, ул жумла пийронлар ётур.

Бу Намангон аҳлидин Бозор охунд, Машраб қани,  
Ошиқ аҳли, зикри Ҳақ-Мажзуб эшонлар ётур.

Жумладин ушбу Намангон аҳлидин бир неча ном,  
Ушбу Яҳъёхон тўрамдек аҳли урфонлар ётур.

Лангарий устози зот, ҳам Авлиё домла ато,  
Кўрсатиб роҳи худо чашми гирёнлар ётур.

Ҳам Муҳаммадхон тўрам хатми сулиб айлаб баён,  
Қалбидан айлаб сафо, доғи пинҳонлар ётур.

Ҳамда Собитхон тўрам илми Ҳадис айлаб баён,  
Наф олиб аҳли замон, баҳру уммонлар ётур.

Ҳалфа домла бир тарафда эрдилар во ҳасрато,  
Ушбу ҳиммат отига озод мингонлар ётур.

Бидъат ишлардан буриб юз, ушбу тақво йўлига,  
Элни таклиф айлаб ўтган Яқуб эшонлар ётур.

Берди Ҳақ илми ладун топди камол фарзандлари,  
Мулла Сатти домла Охундек падар хонлар ётур.

Дини ислом-чун азиз бу жонларин айлаб фидо,  
Ҳазрати Абдулмажид Эшон Бобохонлар ётур.

Қайси бирини айтайин, ёдимга тушса йиғлайин,  
Қуръон ўқиб бағишлайин, ул жумла ёронлар ётур.

Онлар ғуломидан бўлиб, остонага бошин қўйиб,  
Жон борича Қуръон ўқиб, бул қори Исмоил ётур.

Баҳраманд эрди Намангон аҳли Маҳдум домладан\*,  
Мулла Абсаттор Охундек хутби аёнлар ётур.

Мулла Абдулқаюм ҳожи эрдилар олий жаноб,  
Ҳам фаройил илмига устод бўлгонлар ётур.

Қорию Абдусамад, Аҳмад Али, домла Охунд,  
Мир Исоқ Маҳдум ҳожи элга раҳмонлар ётур.

Валихон эшон ҳам мулло Сулаймонхон тўрам,  
Мулла Наби домла Охунд, сўзи дурдонлар ётур.

Исмоил қори домулло, мулла Усмон домла ҳам,  
Сўфихон тўрам каби ул покдомонлар ётур.

Шоири ислом эдилар ҳам ул Нисорий домламиз,  
Хулқи хуш, сўз бобида ул тоза виждонлар ётур.

Жумладин қори домла отлари Абдулғафур,  
Ҳақ раҳмати бўлсун уфур, бўйи райҳонлар ётур...

Мулло Усмонхон тўрам ҳам Ғозихон тўрам каби,  
Мулла Ортиқ қози домла йўлга дармонлар ётур.

\* Ҳофизлар томонидан Исмоил қорига нисбат бериб қўйлаб келинаётган ушбу асарнинг охириги 8 байти Бўлбўлқори вафотидан кейин Мулло Отаҳон Нисорий ва Маҳмудхон қори Сатторов (Ражабий) томонидан давом этдирилган.

## НАДОМАТ \*

Кўп гуноҳлар мандадур, ўлганда ҳолим на бўлур,  
Ул фаришта жон учун келганда ҳолим на бўлур?

Кўп машаққатлар билан тандин азиз жоним чиқиб,  
Ранги рўйим заъфарон, бўлганда ҳолим на бўлур?

Беш қарич бўздан кафан, айлар халойиқлар манга,  
Ул яқосиз жомани кийганда ҳолим на бўлур?

Гўрга элтиб қўйгани тобут келур миннат билан,  
Ул ёғоч отга миниб, юрганда ҳолим на бўлур?

Чун жанозамни ўқиб, гўрга бориб қўйса мани,  
Ул қоронғу ер аро қўйганда ҳолим на бўлур?

“Ким, худо бирла расулинг” - деб яна икки малак,  
Гурзию оташ билан урганда ҳолим на бўлур?

Ул емак-ичмак билан шишган танимни егали,  
Мору гаждум гўр аро кирганда ҳолим на бўлур?

Гавҳари кўзим тўкилиб косаи чашмим аро,  
Ул лаҳад ҳоки тушиб тўлганда ҳолим на бўлур?

Гар қиёмат бўлса ул кун ҳақни фармони билан,  
Нотавон жисмимга жон кирганда ҳолим на бўлур?

Ҳашргоҳ\*\* ичра жамъи неку бадни ул куни,  
Пораи оташ чиқиб сурганда ҳолим на бўлур?

Номаи аъмолими бир фаришта келтуруб,  
Илгима эй зурриёд, берганда ҳолим на бўлур?

Қори Исмоил, ўшал кун менга ҳам навбат келиб,  
Энди аҳволинг нечук, деб сўрганда ҳолим на бўлур?

\* *Шу мавзудаги шеърлар бошқа шоирларда ҳам учрайди.*

\*\* *Ҳашргоҳ - қиёмат куни ҳамма йигиладиган жой.*

## БИР ШЕЪРКИМ АҲВОЛИ ЗАМОН

(ёхуд Абдулбори вафотига иккинчи шеър)

Дилимни ғамлиги ул нури дийдам кетганидандур,  
Кўзимни намлиги бориб лаҳадда ётганидандур,  
Нозик қоматлари қаттиқ ер ичра ботганидандур,  
Азал тақдирда бул ҳам қаламни битганидандур.

Насиҳатга очай тил, жону дил бирла қулоқ солгин,  
Санам фарзанди одамсан, мани бир пандими олгин,  
Икки ўғлунг кўлунгда бор эрур кўп шукрлар қилгин,  
Бу ҳам тақдирда бизга қаламни ёзганидандур.

Бу дунёга келиб кетмоқ мисоли бир работ эркан,  
Ҳама шоҳу гадолар навбати бирла келиб ўтган,  
Ки сан кўп йиғлама, навбат сани фарзандингга етган,  
Азал тақдирда бул ҳам қаламни ёзганидандур.

Биравни ёши етмишда, биравни ёшидур етти,  
Бирав еттига етмай охиратни йўлини тутти,  
Бу ишларни билолмай кўп кишилар қонлар ютти,  
Бу ҳам тақдирга анга қаламни ёзганидандур.

Туну кун фикру зикринг ёди бўлсун, роҳати жондур,  
Икки оламда зийнат аҳли мўъминларга имондур,(?)  
Кимки билмаса дин қаҳрини, доим паришондур  
Бу ҳам тақдирда анга қаламни ёзганидандур.

Худоё, мағфират қил, ул гўдак ота-оносини,  
Карамлик подшоҳсан, афв қил қилгон гуноҳсини,  
Ўзунг яхши билурсан бандаларнинг муддаосини,  
Бу ҳам тақдирда бизга қаламни ёзганидандур.

Қиёматга нишона яхшилар хилват аро қочгай,  
Ёмонлар номус этмай халқ аросида шароб ичгай,

Эри уйда туруб, хотинлари савдо учун чиқгай,  
Бу ҳам тақдирда анга қаламни ёзганидандур.

Ҳама элдин ҳаё кетди, хотинлар ҳам бўлиб баззоз,  
Олинг жон почча деб, орқасидан айлабки юз минг ноз.  
Бўлибдур ўн бир йил\* ҳаргиз, қутулмаймиз қишу ҳам ёз,  
Бу ҳам тақдирда бизга қаламни ёзганидандур.

Даюсликни мақомин ўзларига дарбар этдилар,  
Бозор келса яқин, хотинларин турфа ясатдилар,  
Ки ман бормаи бозорга, сан сотиб кел, деб юбордилар,  
Бу ҳам тақдирда анга қаламни ёзганидандур.

Шу кайфият билан ўтсак, бошимизга бало ёққай,  
Ажабким кўп кишилар, охири иймондин айрилгай.  
Бу сўзим маънисини оқил одамлар билгай,  
Бу ҳам тақдирда билсанг, қаламни ёзганидандур.

Бировларни кўрибман, атосига кўп берур озор,  
Бировларни кўрубман, аносидан ҳам эрур безор,  
Ўшандоғ бандага тонгла худо кўрматмагай дийдор,  
Бу ҳам тақдирда анга қаламни ёзганидандур.

Атоси норизо бўлса, савобидан гуноҳи кўп,  
Аноси норизо бўлса, ҳаётидан вафоти хўп,  
Иккиси ҳам ризо бўлса ҳалойиққа юзи марғуб,  
Бу ҳам тақдирда анга қаламни ёзганидандур.

Дема, эй қори Исмоил, бировни айбини зинҳор,  
Ўзинг айбинга боққилки ўзингда айблар бисёр,  
Ёмону яхши ким бўлса бўлур Маҳшар кунин изҳор,  
Бу ҳам тақдирда анга қаламни ёзганидандур.

\* Октябр тўнтарилишидан кейин ўтган йиллар назарда тутиляпти, чамаси.



## БОЛАМ

(Ўғиллари Абдулборига марсия)

Ҳақ таоло тақдирига ҳўп ризо бўлган болам,  
Ул имомлардек шаҳиди Карбало бўлган болам.  
Хизматимизда бизи шому сабоҳ турган болам,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Йиғласам айб айламанг, фарзанд доғидур ёмон,  
Учди кўзимдан мани сакиз яшар бир меҳрибон,  
Ул қизил гулдек эди, бўлди қаро ерга ниҳон,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.


Умр борича десам тавсифларинг бўлмас адо,  
Мунча ҳам бўлган экансан эл кўзига кўп бажо,  
Ҳасратинг бирла ўтармиз бўлгуча рўзи жазо,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Кошки бўлсанг тирик, бизни ўзинг кўмсанг эдинг,  
Хизматимизни қилиб биздан дуо олсанг эдинг,  
Ушбу дунё роҳатидан заррае кўрсанг эдинг,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Оғзидан дарё каби қонлар оқиб бўлди шаҳид,  
Ҳеч иложи йўқ буни, битган экан шоҳи мажид,  
Жумла ўртоғи ичинда ул эди танҳо фарид,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Ёши саккизга кириб бизларни ҳеч қийнатмаган,  
Ёки ул ётган ерини биргина булғатмаган,  
Жон берур вақтида бизга ҳасратини айтмаган,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Бемаҳал келган ўлимдан жумла қулни сақласин,  
Ҳеч кимни бошига биздек қаттиқ мусибат солмасин,



Уйидан ўйнаб чиқиб, қайтиб ўлиги келмасин,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Ул қаламдек қошларинг ерда чириб кетдимикин,  
Ул кўзингни косасига хоклар тўлдимикин,  
Ё шаҳидлар жисмидек жисминг тузик турдимикин,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Ҳақ таоло сабр берсун ота-онангга сани,  
Сен каби фарзанди қобил кўрмоғим эмди қани,  
Ушбу мотамхона дунёга қўйиб кетдинг мани,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Ул гўдаклар йиғлашиб Ҳаққа муножот айлағай,  
Ота-онамизни сан қўлимизга бергил, деғай,  
Тўймадик дийдорига биз, жаннатда тўйдиргил, деғай,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Авалло кўзин очиб йиғлаб атосини тилар,  
Сўнгра ҳажрида адо бўлган аносини тилар,  
Ёру дўсту аҳли авлод ақрабосини тилар,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Оғзидан чиқмай муножотини Ҳақ қилгай қабул,  
Ота-онангни санга бердим, сира бўлма маълул,  
Аҳли авлодингни ҳам қилғил шафоат, эй ўғил,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Шукрилиллоҳ, бизга ҳам қилди муяссар ул худо,  
Бандадурмиз, ҳарна қилгонига биз бўлдик ризо.  
Ул аробани тагида-этди кўприкда қазо,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Сабр этайлик бу мусибатга худо ажре берур,  
Тонгла маҳшарда шаҳид ўлган болангман, деб келур,  
Ташна бўлсанг ҳавзи-кавсар сувларидан ичирур,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Бир минг уч юз элигинчида ражаб ойи эди,  
Ўлганини марсия айлаб ани назм айлади.  
Бу гўдакнинг ҳолига ўқуб, дуо қилсун, деди,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

Қори Исмоил худонинг қулларидан бир қули,  
Ҳофизул Қуръон, тамоми аҳли диллар булбули,  
Булбули бечорани учди қўлидан бир гули,  
Кунига чоршанба кун ер узра жо бўлган болам.

### **СУЛАЙМОН ОТА ҒАЗАЛИГА МУХАММАС**

На чорам бор санга изҳордин ортиқ,  
Сани доим суярман жондин ортиқ  
Манга ёдинг ғизодур нондин ортиқ,  
Сани дардинг манга дармондин ортиқ,  
Санга қул бўлганим султондин ортиқ.

На давлатки, бўлсам фахр элинда,  
Сани ёдингда бўлсам қайси хинда,  
Эрурман шоҳки гўё ер юзинда,  
Сани ёдингни айтсам чўл ичинда,  
Бу чўл манга бўлур бўстондин ортиқ.

Букиб, йўлдан урувчи ўз элимдан,  
Сани ёдинг йўқ ўлса гар дилимдан,  
Кетар файзу футур обу гилимдан,  
Ажаб, ёдинг кетар бўлса тилимдан,  
Вужудим бир қуруқ зиндондин ортиқ.

Бўлиб шарманда лавҳу лаабатимдан,  
Кўзим ёшини тўкмас ҳасратимдан,  
Гина қилмамки тортган кулфатимдан,  
Мани хор бўлмишим ўз ғафлатимдан,  
Агар қилсанг назар эҳсондин ортиқ.

Агарки неъматинг беҳад фаровон,  
Улуғ неъмат эрур ислому иймон,  
Зеҳи давлат муяссар бўлса ирфон,  
Бу оламда нечук иймону қуръон,  
На бўлғай дунёда иймондин ортиқ.

Ғино аҳли фақирни кўзга илмас,  
Тараҳҳум бирла шафқат анга қилмас,  
Анинг-чун ҳозиқи қошимга келмас,  
Мани бу дардими ҳеч кимса билмас,  
Агар билса ҳаким Луқмондан ортиқ.

Агарки қимишимдур фисқу исён,  
Қори Исмоил умр барбод этибон,  
Қарам қилсанг топарман шояд унвон,  
Бу янглиғ осий эрса қул Сулаймон,  
Иноят айласанг бўрондин ортиқ.

### **ҚОРИ ИСМОИЛ ҒАЗАЛИГА УНВОНИЙ МУҲАММАСИ**

Жусти жўйи муршиди гоҳи ҳидоят қилмадим,  
Марсиятни тарк этиб Ҳаққа инобат қилмадим,  
Ҳақ буюрган жойисида истиқомат қилмадим,  
Боруҳо қилдим гуноҳ, бир яхши тоат қилмадим,  
Тавба айлаб ман Насуҳодек ибодат қилмадим.

Оҳким ғафлат билан ўтди ҳама ёзу қишим,  
На шарият на тариқатга мувофиқ қилмишим,  
Соч оқарди қоматим ҳам бўлдию тушди тишим,  
Кеча-кундузда мани ичмак-емак бўлди ишим,  
Яхшилардек бел букиб асло риёзат қилмадим.

Санки Алломул ғуюб, махфий эмас асрор санга,  
Бир қулингдурманки, бўлгон турфа исёнкор санга,  
Қилмадим бир йўл надомат айтиб истиғфор санга,  
Неъматинг ичдим, едим, шукр этмадим бир бор санга,  
Бевайи мискин ғарибларга саховат қилмадим.

Мубталои ҳирс ўлиб тарк этмадим нафсоният,  
Қилмишим лавҳу-лааб, йўқ дилда хавфи охират,  
Гар ўзинг раҳм этмасанг, изҳор этиб ғаффорият,  
Шул сифат бўлса ишим ҳолим на бўлғай оқибат,  
Охиратни хавфидан қўрқиб надомат қилмадим.

Неча йил умрим ўтиб беҳудаликда оҳким,  
Неча йил илм аҳлини даргоҳи бўлди масканим,  
Неча йил ишқу муҳаббат аҳлига бўлдим надим,  
Неча йил бўлдим машойихлар эшигида муқим,  
Тарки амр этдим, вале бир яхши хизмат қилмадим.

Орзу қилган эдим Аллоҳ насиб этса агар,  
Каъба сори азм этай сийна сўзон, чашми тар,  
Равзайи ҳазратда тўксам кўзни ёшин чун гуҳар,  
Бибизиоатлик мани бечорага қилди асар,  
Равзайи поки Муҳаммадни зиёрат қилмадим.

Ноумид бўлмак ёмон, умид қилмоқ хўп эзур,  
Кўп умид қилгон киши мақсад сари мажзуб эзур,  
Осий Унвонийга ҳам азми ҳарам матлуб эзур,  
Қори Исмоил дилида орзуси кўп эзур,  
Равзасига термулиб Қуръон тиловат қилмадим.

## КЕТДИ

Бир кеча хаёлимда ул ёрим келиб кетди,  
Мен бирла қуриб суҳбат аҳволим билиб кетди.  
Юзига ниқоб тортиб, ғам юкин менга ортиб,  
Ўзига бериб тартиб, бағримни тилиб кетди.

Кўз ёшим тўкиб қолдим,  
Қаддимни букиб қолдим.  
Ҳасратим ўқиб қолдим,  
Балки ул ёзиб кетди.

Мен бирла ўтирганда,  
Аҳволими сўрганда,  
Ноз ила гапирганда,  
Бағримни эзиб кетди.

Сўзимни қилиб мақбул,  
Сайратиб, қилиб булбул,  
Қўлимга бериб бир гул,  
Юзимдан ўпиб кетди.

Ул улуғлигин қўйсун,  
Навбатимни ўтқарсун,  
Мен бирла келиб юрсун,  
Кўп соғинтириб кетди.

Изладим, сўраб топдим,  
Кўйида бориб ётдим,  
Бошимни босиб ўтди,  
Йиғласам, кулиб кетди.

Исмоил, сенам буткул,  
Бир ўзгага бер кўнгил,  
Аҳволим кўриб ул гул,  
Умидин узиб кетди.

## ЛОЛА ВА ҚИЗИЛ ГУЛ СУҲБАТИ

Лола бирла ул қизил гул бир куни суҳбатлашиб,  
Қолдилар ишқ дардидан сўз очиб, ҳасратлашиб.  
Лола айди, кимни дарди бўлса анга гул бўлай,  
Бу аламли сийналарни анга бир-бир кўрсатай.  
Гуллар ичра бир ғарибдурман ажойиб музтарий,  
Ташналаб чўлларда қолдим рангу рўйим сарғайиб.  
Дунёга келдим, биров гул, деб олиб таққан эмас,  
Бағрими доғин кўриб, раҳми келиб боққан эмас.  
Ул қизил гул айдики, шоҳлар қўлида дастаман,  
Очилиб боғлар аро ҳар гул ила пайвастаман.  
Доғи айдики, кулиб, булбул мани ишқимдадур,  
Куну тунлар ухламай хонишда, йиғлаб сайраюр.  
Лола айди, фоний дунёдир - ўтар, мақтанмагил,  
Очилурсан, тўкилурсан, бунча мағрур бўлмагил.  
Сен каби бир нечалар ер устида бўлди хазон,  
Гар ажал етса шамоли ҳеч кими қўймас омон.  
Ул қизилгул сўрдики, саҳрода қолдинг не сабаб,  
Боғларда очилурни қилмадингму ҳеч талаб?  
Лола айди, яхшиларнинг кўплари чўллардадур,  
Туну кунлар ухламай дийдори Ёрни ахтарур.  
Шу сабабли мен алар бирла туришни хоҳладим.  
Бул кўринган тоғлар ул кўҳи, Лублон тоғидур.  
Лоладин гул сўрдики, бағрингда доғлар кимники,  
Лола йиғлаб айдики, ул ҳамнишинлар доғидур.  
Ушбу сўздан қолдилар гуллар бари хомуш бўлуб,  
Алхусусан ул қизил гул йиғлади қонга тўлуб.  
Чун улар ишқ дардидан хориж эрурлар - йўқ азоб:  
- Йиғламоқлиқ бизга лозимдур биродар беҳисоб!  
Кечаю кундуз ишимиздур бизи ичмак, емак,  
Сер бўлсак, кечаю кундуз ишимиз ухламак.  
Ушбу ҳол ила бу дунёдин ўтиб кетсак агар,  
Ҳолимизга йиғлагай анда кафан ҳам гўрлар.  
Афв этинг қори Исмоилни, маъюс сўзлади,  
Лолаю гул ибратила бир муддаони кўзлади.

## КАНАЛ

*Бу шеър Катта Фарғона канали  
қурилиши бошланган кунларда  
даъват сифатида ёзилган.*

Бу канал - катта канал, хўп шону шавкатдур канал,  
Ёш бўлсин, хоҳ қари бир яхши хизматдур канал.  
Дарядин сув чиқмаги бир айна ҳикматдур канал,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

Эски давлат вақтида бундай канал чиққан эмас,  
Бу канал чиқмай туриб олам бари қилди ҳавас,  
Кимки ялқовдир билинг, ушбу каналга қатнамас,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

Сайл эзур, борган кишилар бўлмагай асло хафа,  
Ёнларида катта сув, ҳар бир қадамда бир қапа,  
Ош ила карнаю сурнай теппасида ваҳ-ваҳа,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

Капаратуплар чиқдилар, қолмай ҳама новвойлар,  
Ғаллалар сероб бўлиб, ул ерда қанду чойлар,  
Яхши чодирлар қуриб, озода қилди жойлар,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

Ишлагучилар бари кетмонларини чопишиб,  
Кетмонидан бўшаганда бир-бирини топишиб,  
Ошхоналарда кабобу, сомса-мантилар пишиб,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

- Ушбу Учқўрғон ахийри бўлгуси олий шаҳар,  
Сувлари сутдан ширин, ичган киши кўрмас зарар,  
Ушбу дарёнинг боши тиллони конидан чиқар,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

Ким ўзиб чиқса бу ишдан олгуси олий нишон,  
Қадри ҳам юксак бўлур ани ҳалойиққа чунон,



Яшасин ушбу каналда ғайрат ила ишлаган,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

Ул Ҳалима, ул Назира, Лутфихоним қайдадур,  
Ашула ёзиб берай, Мавлудахоним қайдадур,  
Ул Карим Зокирий янглиғ хуш забоним қайдадур,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

Ҳамнафас-ла бошлашиб, ул Жўрахоним келсалар,  
Ўзига зийнат бериб, Тамарахоним келсалар,  
Юз муқому ғамза бирла бунда ўйнаб турсалар,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

Ушбу айтар сўзларимни аввалидур, заррадур,  
Яхшилаб ҳолини сўрса ўзга шеърлардан ёзур,  
Назмини айтур ўзи, аммо ёзувчи ўзгадур,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

Ишлаёлмас, қари Исмоилни ожиздур кўзи,  
Халқига марғуб эзур доим они айтган сўзи,  
Ашула ё шарқия бирла ўқуб юрсун ўзи,  
Яхши меҳнат қилгучиларга мукофотдур канал.

## НАМАНГАН АҲЛИГА

(1946 йилдаги сел тошқини муносабати билан)

Эй Намангон аҳли, сиз овораларга раҳм этинг,  
Селда қолган беваю бечораларга раҳм этинг,  
Бағри куйган, диллари бирёналарга раҳм этинг,  
Ақли кеткан бошидан ҳайроналарга раҳм этинг,  
Киргони жой топмаган гирёналарга раҳм этинг.

Ушбуларнинг ҳолига ким шафқат этса, яхшидур,  
Ким алар ҳолини сўрса, эл ҳама хурсанд бўлур,  
Бошига тушган балоларни гапурсам йиғлаюр,  
Ақли кеткан бошидан ҳайроналарга раҳм этинг,  
Киргони жой топмаган гирёналарга раҳм этинг.

Ҳарна топканингизни олиб боринг ҳолин сўраб,  
Сел олиб, сувда қолиб, аҳволлари бўлди хароб,  
Берсангиз бир нон аларга, тангри бергай бехисоб,  
Ақли кеткан бошидан ҳайроналарга раҳм этинг,  
Киргони жой топмаган гирёналарга раҳм этинг.

Ер қимирлаб қурбон ойида ажаб топти шикаст,  
Ул Намангон шаҳрига на бўлди кўп топти шикаст,  
Ашир ойига келиб, селда қолиб топти шикаст,  
Ақли кеткан бошидан ҳайроналарга раҳм этинг,  
Киргони жой топмаган гирёналарга раҳм этинг.

Баъзини ажноси кетти, баъзида қолмай таом,  
Ул дарахт устида ўлтирди тамоми субҳи-шом,  
Ҳукумат ишчилари олмакка қилди эҳтимом,  
Ақли кеткан бошидан гирёналарга раҳм этинг,  
Ушбулардек беваю бечораларга раҳм этинг.

Армиямизнинг иши дойим, билинг, шундай эрур,  
Мард йигитлардек келиб ҳар ишга ўзини урур,  
Ҳар машаққат ишни кўрса, ул анга енгилмайдур,  
Ушбулардек беваю бечораларга раҳм этинг,  
Ақли кеткан бошидан гирёналарга раҳм этинг.

Ҳукумат одамлари шафқат эшигини очиб,  
Ҳар кишини қўлига тўқсон килодан ун бериб,  
Бир либоси кетса сувда, ўн либос анга бериб,  
Ушбу давлатдек ғариб, бечораларга раҳм этинг,  
Ақли кеткан бошидан ҳайроналарга раҳм этинг.

Қори Исмоил буларни ҳолига қон йиғлади,  
Йиғламаклик бунда турсун, жамъи инсон йиғлади,  
Балки инсонни қўйинг, ҳам жумлаи жон йиғлади,  
Ушбу давлатдек ғариб, бечораларга раҳм этинг,  
Киргани жой топмаган овораларга раҳм этинг.

## ОДОБИ ТҮЙ

Одоби тўйдан сўйласам ҳеч кимса оғир олмасун,  
Алхусусан, ул ғариблар ташқарида қолмасун.

Кўймангиз золим кишини ҳеч эшикнинг олдига,  
Келса, ул мискин ғарибларни сўкиб қувламасун.

Кўйлаги йиртиқ, чопони эски, деб таън этмангиз,  
Ҳеч ким бу дунёда онларга ҳайрон ўтмасун.

- Хуш келибсиз, - деб аларни яхши ерга ўтқазинг,  
Ош еган вақтида асло кўнгли маъюсланмасун.

Икки нон қўлига беринг, тўймаган бўлса агар,  
Кўзи ошни кўрсаю ул қорни тўймай кетмасун.

Тўй аларни ҳаққидур кимки еса ейдур тайин,  
Ҳақ таоло наздида борса, шикоят қилмасун.

Қайси ерга тўйга борсам, тўқ кишилар ўлтирур,  
Бермасанг бечорага, бу хилда тўйлар ўтмасун.

Ошпазингиз яхши бўлсун ул гўдаклар бахтига,  
Ош беринг, деб келганида юзларига урмасун.

Қарз олиб, шубҳа-гумонлардан йиғиб тўй қилмангиз,  
Зўрға турган дилларимиз қайтадан булғонмасун.

Ўйнатиб хотин кишиларни, бошига тақма пул,  
Бизки инсон аҳли бўлсак, бўйла номус кетмасун.

Ал хусусан, давлатимиз молига қўл урмагин,  
Тўй баҳона қанча умринг турмаларда ўтмасун.

Холис айтди қори Исмоил бу танқид сўзини,  
Ким эшитса, анга таъна тошларини отмасун.

## ҒАЗАЛ

(«Лайли ва Мажнун» мавзуида)

Кокилинг ҳар тори мўйига бу жонимдур фидо,  
Офтобли гул юзинг монанди ҳуру маҳлиқо.  
Маҳвашеким орази мисли қамар базми нужум,  
Ё малоҳат боғида якто атиргул бебаҳо.  
Хусн бобида ажойиб нозанин соҳибжамол,  
Баъзига қошин қоқиб, қилди ўзига мубтало.  
Таклиф этсам неча йўл келмай мени зор айлади,  
Жумла оламга баробар жон нисор айлай яно.  
Лабларингдан қатра майни нўш айласам эй нозанин,  
Кўнглим ичра қолмагайдир заррача кибру ҳаво.  
Кечалар ҳеч ухламай доим сени тавсифладим,  
Мақсадим шулдур, мени қилсанг ўзингга ошно.  
Хаста қул Исмоилингга бир келиб раҳм айлагил,  
Ҳасратинг бирла ани бўлди алиф қадди дуто.

“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИДАН

### 1. УЧРАДИ

#### **Мажнун:**

Неча кунлар бўлдиким, бир нозанин ёр учради,  
Бевафолик бобида бир турфа айёр учради.  
Қайда кўрсам тўхтамас, бир тез рафтор учради,  
Алхусусан, менга бир шўхи ситамгар учради,  
Юзлари шамсу қамар, ул кўзи хуммор учради.

Баъзига айлаб карам, бизларга айлар нозлар,  
Биз ғариб бечоралардин доим қилур эърозлар,  
Базм аро кирса агар ушлаб қўлига созлар,  
Сўзласа-булбул каби, ҳам тўтидек овозлар,  
Бағрима ўтлар ёқурга бир дилозор учради.

Мунча ҳам бераҳм экандур, қилмади асло назар,  
Ё келиб бу хаста ҳолимни кўриб олмас хабар,  
Кўзларимдан доимо ёш ўрнига қонлар оқар,  
Хурдур ёки паридур ё малакдур ё башар,  
Кўз тутдим келмади, йўлда харидор учради.

Эй, алифдек қоматингизга тасаддуқ жонлар,  
Ҳам фидо бўлсин йўлингизда бу хонумонлар,  
Васлингиз кўрмай агар ўлсам қолур армонлар,  
Жумла маҳбублар ичинда сиз каби йўқ хонлар,  
Мажнуни шўридага бир индамас ёр учради.

## 2. ҚАТРА-ҚАТРА КЎЗ ЁШИГНИ

**Лайли:**

Эй, Эрам гулзорини оҳиста сайрар булбули,  
Нотавон булбулни олдига келибдур бир гули,  
Ёшлигингдан йиғладинг, девона бўлдинг бир йўли,  
Эмди ўлгунча сени кўксингдадур ёринг қўли.

Бу сени озгин қўлингни Ҳотами бўлсаммукин,  
Қатра-қатра кўз ёшингни ўсмалар қилсаммукин,  
Қайда бўлсанг, эй ғариб ёрим, менам бўлсаммукин?  
Эмди ўлгунча сени кўксингдадур ёринг қўли.

Қўй тизсамга бошни, ҳасратинг бир-бир гапур,  
Не аламларни кечибсан, кулфатинг бир-бир гапур,  
Дашти саҳрода қолибсан, гурбатинг бир-бир гапур,  
Эмди ўлгунча сени кўксингдадур ёринг қўли.

Камзулинг бўлса, ёқангда тугма бўлсам, эй нигор,  
Ҳажр ўтида йиғлаюб бир неча йил бўлдинг ҳумор,  
Ушбу хил қилган кишилар ёрига бир кун етар,  
Эмди ўлгунча сени кўксингдадур ёринг қўли.

### 3. ҲИКОЯТ

Келди дилимга бир сўз ҳикоят,  
“Тож-ул қисас”да бўлмиш ривоят.

Мажнунни излаб келди отоси,  
Саҳрода эрмиш ул мубталоси.

Тинмай қиларди оху надомат,  
Лайлини ёдин айлаб давомат.

Айди: худоё девона қилдинг,  
Лайлини мендан бегона қилдинг.

Недур гуноҳим ман бедавони,  
Бир неча йилдур кўрмасман они.

Лайлога етди, Мажнунни оҳи,  
Қилди ўшал дам кўп оҳ-воҳи.

Айдики, Лайли: энди боройин,  
Мажнун ғарибни излаб топойин.

Чиқди уйдан, дашт узра юрди,  
Мажнунни жойи анга кўринди.

Кўрдик Лайли Мажнун ётодур,  
Кўз ёши тинмай сувдек оқодур.

Сочи ўсубдур-қошига тушган,  
Савдойи ишқим бошига тушган.

Улфатларидур паррандалардин,  
Чўлларда юрган даррандалардин.

Оҳиста бориб ёнида турди,  
Кўп шафқат айлаб ҳолини сўрди.

Мажнун дедиким: сен ким бўлурсан,  
Куйган бу жонимни куйдуурсан.

Лайли дедиким: ёринг эрурман,  
Ҳажрингда доим йиғлаб юрурман.

Мажнун дедиким: ёрим бўлақдур,  
Бир неча йиллар ул йўқламайдур.

Ичмас, емасдур йўқдур макони,  
Жойи қаёндур билмасман они.

Қуръонда кўрдим номини: “Аллоҳ”,  
Ман анга ошиқ валоҳи биллоҳ.

Жоним берурман шундай нигора,  
Кўрсам жамолин энди дубора.  
Бу сўзни айтиб бир сайҳа урди,  
Сўз таъсиридан Мажнун йиқилди.  
Бир неча кунлар бетоб ётибдур,  
Ўн етти кунда Мажнун ўлибдур.  
Лайли эшитиб Мажнун вафотин,  
Узди дилидин дунё ҳаётин.  
Лайли ўшал дам қилди муножот,  
Парвардигоро, сенга бир ҳожат.  
Мажнун ғарибни бежон этибсан,  
Лайли қулингни энди нетурсан.  
Ёраб, мени ҳам жонимни олгин,  
Икки ғарибни бир дафн қилгин.  
Лайли ўшал дам бу ерда ўлди,  
Ошиғу маъшуқ бир дафн бўлди.  
Қуръон ўқишиб уйига келди,  
Ётиб аноси бу тушни кўрди.  
Лайлию Мажнун жаннатда юрмиш,  
Олдида ҳурлар хизматда турмиш.  
Кўрган тушини изҳори қилди,  
Бир ҳафта ўтмай ул ҳам кўмилди.  
Ошиқлар ўтди биз ҳам ўтармиз,  
Бориб қаро ер ичра ётармиз.  
Ёраб, алардек ишқингни бергин,  
Дунёни меҳрин дилдин чиқаргин.  
Қилгин амални вақт ўтмасин ҳеч,  
Келгай ажал ҳам ё эрта, ё кеч.  
Фазлига олса-жаннат борурсан,  
Қаҳрига олса-дўзах борурсан.  
Кўп тавба қилгин шому саҳарлар,  
Бордур бу йўлда юз минг хатарлар.  
Бўлдинг Муҳаммад Аҳмадга уммат,  
Тонгла қиёмат қилгай шафоат.  
Ожиз қулингман, кўп журми исён,  
Сан мағфират қил, ё шоҳи гуфрон.

## МУНДАРИЖА

Булбулқори ва унинг адабий мероси ҳақида (А. Жаббор).....	3
Навоий.....	6
Ҳикоят.....	7
Қумри.....	8
Марҳабо.....	10
Ерни қаттиқ босмангиз.....	11
Надомат.....	14
Бир шеърким аҳволи замон.....	15
Болам.....	17
Сулаймон ота газалига мухаммас.....	19
Қори Исмоил газалига Унвоний мухаммаси.....	20
Кетди.....	22
Лола ва қизил гул суҳбати.....	23
Канал.....	24
Наманган аҳлига.....	25
Одоби тўй.....	27
Ғазал.....	28
“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” ДОСТОНИДАН	
1. Учради.....	28
2. Қатра-қатра кўз ёшингни.....	29
3. Ҳикоят.....	30

*Падари бузрукворимнинг ушбу тўпламларини чиқаришда ҳомийлик ёрдами кўрсатган Наманган шаҳар “Маҳалла” жамғармасига миннатдорчилик билдираман.*

Ҳусанхон ИСМОИЛОВ.

### Булбулқори

#### ТАНЛАНГАН ШЕЪРЛАР

**Муҳаррир:** Абдулла Жаббор

**Техмуҳаррир:** Н.Жабборов

**Мусаҳҳих:** Д.Эргашева

*19.09.2005 йилда теришга берилди. Босишга 27.09.2005 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 132. Ҳажми 2,0 босма табоқ. 6470—буюртма. Адади 2000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.*

*«Фарғона» нашриёти.*

*712014. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.*

*Ибрат номи босмаҳона ОАЖ (Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй) да чоп этилди.*